

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Узаков Шерзод Шерматович

Қашқадарё вилояти "Нишон кўзгу" фермер хўжалиги

ORCID: 0000-0001-7760-5866

uzokov33@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада камбағаллик тушунчасига бўлган турли хил ёндошувлар таҳлили, қмабағалликни вужудга келиш сабаблари, камбағаллик дараҷасини қисқартиришда тадбиркорлик муҳитини яхшилашнинг аҳамияти, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодиётда камтаъминланганлар улушкини қисқартириши йўналишилари ва истиқболлари ёритилган.

Таянч иборалар: кичик бизнес, камбағаллик, камбағаллик чегараси, минимал истеъмол харажатлари, прогноз.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ ЗА СЧЕТ УЛУЧШЕНИЯ БИЗНЕС-СРЕДЫ

Узаков Шерзод Шерматович

фермерское хозяйства

«Нишон Кузгу» в Кашкадарьинской области

Аннотация. В данной статье анализируются различные подходы к понятию бедности, причины бедности, значение улучшения бизнес-среды в снижении уровня бедности, направления и перспективы снижения доли бедных в экономике посредством развитие предпринимательства в Узбекистане.

Ключевые слова: малый бизнес, бедность, черта бедности, минимальные потребительские расходы, прогноз.

PROSPECTS FOR REDUCING POVERTY IN UZBEKISTAN BY IMPROVING THE BUSINESS ENVIRONMENT

Uzakov Sherzod Shermatovich

“Nishon Kozgu” farm in Kashkadarya region.

Abstract. In this article, the analysis of different approaches to the concept of poverty, the causes of poverty, the importance of improving the business environment in reducing the level of poverty, the directions and perspectives of reducing the share of the poor in the economy through the development of entrepreneurship in Uzbekistan are highlighted.

Keywords: small business, poverty, poverty line, minimum consumption expenditure, forecast.

Кириш.

Камбағаллик жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Камбағаллик бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлади. Камбағаллар етарлича таълим олиш имкониятига эга бўлмаганларни боис, малака ва касбий кўниммалари паст ходимлар сафини тўлдирадилар. Жамият учун зарур бўлган касб эгалари, хусусан ўқитувчи ва шифокорлар юқори даромадга эга бўлиш мақсадида ўз иш жойларини ташлаб бошқа фаолият турлари билан шуғуланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади, чунки тирикчилик қилиш учун инсонлар даромад топишнинг ноқонуний йўлларидан ҳам фойдаланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жамиятда даромадларнинг кескин табақаланишига ва ижтимоий зиддиятларнинг чукур илдиз отишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистонда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, уларда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшлар меҳнат қилётганини қайд этиб, “Агар биз, иқтисодиётимизни янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун, барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур” (Мирзиёев, 2021), – деб таъкидлаб ўтди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 29-мақсади “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш” деб номланиб, шу мақсадга эришишда “Худудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш” (Фармон, 2022) асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

2023 йил 15 майда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. “Давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш миллий сиёсат даражасига олиб чиқилганини таъкидлади. Натижада ўтган йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушгани, бунда ҳоким ёрдамчилари 1 миллион нафар аҳолини касб-хунарга ўқитиб, тадбиркорлигини бошлишга кўмаклашгани, даромадли иш билан банд қилгани муҳим омил бўлгани қайд этилди. Шу даврда 200 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди, 10 мингта корхона фаолияти кенгайтирилди, 11 мингта корхона қуввати тикланди. Бу ишларни 2023 йилда давом эттириш, бандликни таъминлаш бўйича барча тармоқ ва худуд раҳбарларига аниқ топшириқлар берилган. Жумладан, 2023 йилда 5 миллион нафар аҳоли бандлигини таъминлаш, шу жумладан 2 миллионта доимий иш ўринларини яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди”²⁴¹.

Юқоридагилардан, кўриниб турибдик мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш вазифасига асосан тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, шу орқали тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали эришишимиз мумкин экан.

Адабиётлар таҳлили.

Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришнинг иқтисодий йўналишлари билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев маърузалари билан бир қаторда мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қиласи.

²⁴¹ <https://xs.uz/uzkr/post/2023-jilda-5-million-nafar-aholi-bandligi-taminlanishi-kutilmoqda>

Смит фикрича қамбағаллик табиати кўп жиҳатдан XIX асрнинг ўрталарида асосий либерал ғоялар марказида қамбағаллик тушунчалари турди ва кўплаб илмий тадқиқотлар унга бағишиланди А. Смит, Д.Рикардоларнинг фикрича камбағаллик тушунчаси доим мавжуд бўлади ва фақат қамбағаллик даражасини пасайтириш мумкин, деб таъкидлашган. Инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Малтус (1766-1834) тирикчилик воситаларига нисбатан ахолининг доимо тезроқ кўпайишга интилиши «Ахолининг нуфус қонуни» (1798) дир, бу қонун жамият пайдо бўлганидан буён мавжуд бўлиб, доим ва кудратли харакатдадир. Инглиз иқтисодчиси Т.Р.Малтус (1766-1834) камбағалликнинг асосий сабабини аҳоли сонининг ўсишига боғлиқлигини акс эттиради. Унга кўра аҳоли сони геометрик прогрессия шаклида, аҳоли истеъмол қиласидан тирикчилик неъматлари эса арифметик прогрессия шаклида ўсишини кўрсатади. Ахолининг ортиқча қисми зарурат туфайли очлик, ялонғочлик ва қирилишга маҳкум этилган. Т.Р.Малтуснинг фикрича, қашшоқликнинг асосий ва доимий сабаби, бошқариш тарзи ёки мулкнинг нотекис таксимланишига ҳеч ҳам боғлиқ эмасдир. Малтус қашшоқликнинг келиб чиқишида камбағалларнинг кўпайишини қўллаб-қувватловчи давлатни айблади. У аҳоли сонини юқори даражада ўсишини танқид қилган.

Тадқиқот методологияси.

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишида илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш, моделлаштириш, прогнозлаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»сида: Камбағаллик - бу инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари этишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигига намоён бўлади.

Шунингдек, камбағаллик — бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланганлиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ноҷорлиги саналади дейилган (2017 йил Нью-Йорк, Женева). Бундан ташқари, Жаҳон банки томонидан 2015 йилдаги 115 та мамлакатда ўтказилган тадқиқотлар натижасида таклиф этилган услубиётга кўра, барча мамлакатлар учун 2011 йилдаги нархларда харид қобилияти паритети бўйича қашшоқлик чегараси 1,9, камбағаллик чегарасини эса мамлакатлар аҳолиси даромадларининг паст, ўрта ва юқори даражаларидан келиб чиқиб 1,9; 3,2; 5,5 ва 21,7 АҚШ доллари этиб белгилаш тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори бўйича минимал истеъмол харажатларидан камбағаллик мезони ёки чегараси сифатида фойдаланилади. Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этиш жараёнида қўлланадиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27-августдаги “Минимал истеъмол харажатлари қиймати”ни ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида” 544-сон қарорига асосан минимал истеъмол харажатлари қиймати ҳисобланади.

Минимал истеъмол харажатлари — уй хўжаликларининг реал истеъмол қийматлари ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун

зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун инимал харажатларнинг ҳисобланган қиймати.

“2023 йил (йиллик) инфляция даражасидан келиб чиқиб, 2024 йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари қиймати бир ойда киши бошига 621 минг сўмни ташкил етди”²⁴². Бу рақам 1 кунда киши бошига 20,7 минг сўмдан тушади.

1-жадвал Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатлари миқдори, сўм²⁴³

| Йиллар | Минимал истеъмол харажатлари миқдори (1 ойга), сўм | Минимал истеъмол харажатлари миқдори (1 кунда), сўм |
|--------|--|---|
| 2021 | 440000 | 14666,7 |
| 2022 | 498000 | 16600,0 |
| 2023 | 568000 | 18933,3 |
| 2024 | 621000 | 20700,0 |

Дейлик, 2021 йилдаги 440 000 сўмлик минимал истеъмол харажатлари миқдори қандай ҳисобланган деган савол туғилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сон қарори асосида “Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тӯғрисида” НИЗОМ ишлаб чиқилган. Ушбу Низомнинг 5-бобида “Минимал харажатларни ҳисоблаш тартиби” тўлиқ берилган.

Жаҳон тажрибасида минимал истеъмол харажатларидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, мазкур кўрсаткичдан қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

- давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмакларига муҳтож аҳолининг мақсадли (таргет) гуруҳини аниқлаш;
- мамлакатнинг камбағаллик чегарасини белгилашда фойдаланиш ва бунда таргет гуруҳдаги аҳолининг реал истеъмол хусусиятлари ва талабарини инобатга олиш;
- камбағалликка қарши қурашиб стратегияси ва дастурларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда манзиллилигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритиш;
- пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, камбағал оиласаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмакларни кўрсатишда мезон сифатида.

Мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сонининг ортиб бориши улар ўртасида иқтисодиётнинг ҳар қандай жабҳасида рақобатни кучайтиради. Бу ерда рақобат ишчи кучи ресурсларини жалб этиш нуқтаи назаридан ҳам бўлади, яъни ишчи кучи ресурсларига бўлган талаб ошади. Иқтисодиёт назарияси фанидаги қонуниятлардан келиб чиқадиган бўлсак, ишчи кучи ресурсларига бўлган талабнинг ошиши ўз навбатида иш ҳақи даражасини ҳам ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг яратилишига, аҳоли даромадларининг ошишига сабаб бўлиб, пировардида мамлакатда кам таъминланган аҳоли улушкининг камайишига олиб келади.

Демак, мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сони билан кам таъминланган аҳоли улushi ўртасида қарама-қарши боғлиқлик бор экан. Яъни, фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сони ортса, кам таъминланган аҳоли улushi камаяди ва аксинча.

²⁴² <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/49764-aholining-umumiy-daromadlari-2023-yil-yanvar-dekabr>

²⁴³ <https://www.gazeta.uz/uz/2023/07/18/min-cost/> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони ва кам таъминланган аҳоли улуши²⁴⁴

| Йиллар | t | Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони, минг бирлик | Кам таъминланган аҳоли улуши, фоиз |
|---------------|----------|--|---|
| 2011 | 1 | 177,9 | 16,0 |
| 2012 | 2 | 177,6 | 15,0 |
| 2013 | 3 | 189,9 | 14,1 |
| 2014 | 4 | 196 | 13,3 |
| 2015 | 5 | 207,1 | 12,8 |
| 2016 | 6 | 210,6 | 12,3 |
| 2017 | 7 | 229,7 | 11,9 |
| 2018 | 8 | 262,9 | 11,4 |
| 2019 | 9 | 334,8 | 11,0 |
| 2020 | 10 | 411,2 | 11,5 |

Кейинчилик мамлакатда кам таъминланган аҳоли улушкини натижавий қўрсаткич сифатида эконометрик моделга киритдик ва “Y” билан белгиладик. Функцияга таъсир этувчи омиллар сифатида X – мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг 2010-2020 йиллардаги юқорида қўрсатилган маълумотлар асосида Microsoft Excel дастурида қўйидаги эконометрик модел ҳисобланди.

3-жадвал

Регрессия тенгламаси натижалари²⁴⁵

| Регрессион статистика | | a) |
|------------------------------|--|-----------|
| Кўп миқдорли R | | 0,720606 |
| R-квадрат | | 0,519273 |
| Норма R-квадрат | | 0,459182 |
| Сандарт хатолик | | 1,224567 |
| Кузатувлар | | 10 |

Юқоридагидан қўришимиз мумкинки, R бу корреляция коэффиенти бўлиб, у омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини қўрсатади. Яъни, мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони ва кам таъминланган аҳоли улушки (%) ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда 0,72 га тенг экан. Бу қўрсаткич ушбу омиллар ўртасида кучли боғланиш бор эканлигини қўрсатади.

Microsoft Excel дастуридаги ҳисоб-китоблар натижасида қўйидаги эконометрик моделни туздик.

$$Y = 16,68345 - 0,01563 \times X$$

$$R = 0,72 \quad D = R^2 = 0,52 \quad F = 8,64$$

²⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари

²⁴⁵ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

| Дисперсион анализ | | | | b) |
|-------------------|----|----------|----------|----------|
| | df | SS | MS | F |
| Регрессия | 1 | 12,95843 | 12,95843 | 8,641458 |
| Қолдик | 8 | 11,99652 | 1,499565 | |
| Жами | 9 | 24,95494 | | |

| | Коэффициент лар | Стандарт хатолик | t-статистика | Паст 95% | Юқори 95% |
|----------------|-----------------|------------------|--------------|----------|-----------|
| Озод ҳад (a) | 16,68345 | 1,332075 | 12,52441 | 13,61168 | 19,75522 |
| Үзгарувчи (X1) | -0,01563 | 0,005316 | -2,93964 | -0,02788 | -0,00337 |

Моделдан кўриниб турибдики, мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сони 1000 бирликка ўсиши кам таъминланган аҳоли улушининг 0,01563 % камайишига олиб келар экан.

Энди -жадвал маълумотларидан фойдаланиб, прогнозлашнинг энг содда усулларидан бири бўлган тренд функцияси орқали мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сонини истиқболли давр учун прогноз қиласиз. Бунда тренд $y=a_0+b_1t$ функциясида ўзгарувчиларни йиллар қилиб оламиз ҳамда чизиқли функция ҳосил қиласиз. Унга кўра ўзгарувчилар йиллар (t) ҳисобланади (4-жадвал).

4-жадвал

Мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сонинининг истиқболли давр ўсиш функцияси, минг бирлик²⁴⁶

| Кўрсаткичлар | a0 | b1 | Мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сонинининг истиқболли давр ўсиш функцияси (Y) | R (корреляция коэфти) | F (Фишер мезони) | t- (Стьюидент мезони) |
|--|---------|--------|---|-----------------------|------------------|-----------------------|
| Фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сони, минг бирлик | 117,447 | 22,241 | $Y=117,447 + 22,241 \times t$ | 0,88 | 26,6 | 7,613 |

Жадвалдан кўриниб турибдики, вақт омили ва фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сони ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эконометрик модел кўрсаткичлари мақбул даражада.

Бу функциялар асосида фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар сонининг ўсишини истиқболли давр учун прогноз қиласиз (5-жадвал).

²⁴⁶ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

5-жадвал

Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонини тренд функцияси орқали аниқланган прогноз кўрсаткичлари(%)²⁴⁷

| Йиллар | t | Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони, минг бирлик |
|----------|----|---|
| 2021 йил | 11 | 362,1 |
| 2022 йил | 12 | 384,3 |
| 2023 йил | 13 | 406,6 |
| 2024 йил | 14 | 428,8 |
| 2025 йил | 15 | 451,1 |
| 2026 йил | 16 | 473,3 |
| 2027 йил | 17 | 495,5 |
| 2028 йил | 18 | 517,8 |
| 2029 йил | 19 | 540,0 |
| 2030 йил | 20 | 562,3 |

Юқорида мамлакатда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони ва кам таъминланган аҳоли улуши ўртасида боғлиқликни ифодаловчи қуидаги эконометрик моделни тузган эдик.

$$Y = 16,68345 - 0,01563 \times X$$

Энди шу модел асосида кам таъминланган аҳоли улушининг истиқболли давр учун қийматларини аниқлаймиз (6-расм).



6-расм. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли улушининг истиқболли давр учун прогноз кўрсаткичлари²⁴⁸

Расмдан кўриниб турибдики, бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича кам таъминланган аҳоли улуши кейинги ўн йилликда камайиш тенденциясига эга бўлади.

²⁴⁷ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

²⁴⁸ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

2030 йилга бориб унинг мамлакатда кам таъминланган аҳолининг жами аҳоли сонидаги улуши 7,9 фоизни ташкил этар экан.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш лозим. Хусусан, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устуворлиги сифатида ишсизлик даражасини пасайтиришга зътиборни кучайтириш лозим. Чунки, юқорида маъқидланиб ўтилганидек, мамлакатимизда ҳозирги кунда яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи айнан хусусий секторга тўғри келмоқда. Демак, биз мамлакатимизда камбағаллик даражасини қисқартиришни асосий вазифа сифатида ҳисоблар эканмиз, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришимиз, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий сиёsatни фаол равишда давом эттиришимиз лозим.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Мирзиёев Ш. (2021) Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашува сўзлаган нутқу. 2021 йил 20 август. - <https://uza.uz>

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5841063>.